

**МАМЛАКАТИМИЗ ХУДУДИДА ЗАРДУШТИЙЛИК ДАВРИДА АМАЛ
ҚИЛГАН ЖИНОИЙ ЖАЗОЛАР ТИЗИМИГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР**

Бекназов Шахриёр Бобур ўгли
Тошкент вилояти прокуратураси
бўлими прокурори
beknaz0v010@mail.ru,
+99899-558-55-55

Аннотация: Мақолада муаллиф томонидан Ўзбекистон худудида зардуштийлик даврида амал қилган жиноий жазолар тизими илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилган. Хусусан, ушбу даврда амал қилган жазо турлари ва таркиби ўрганилиб, уларнинг қўлланиши, мақсадлари кўриб чиқилиб, бу борада амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижалари, олимлар ва тадқиқотчиларнинг Авестода жиноятлар учун белгиланган жазоларни таснифига оид қарашлари ва ёндашувлари таҳлил қилинган. Тадқиқот якунлари бўйича тегишли илмий-назарий хулосалар тақдим қилинган.

Калит сўзлар: Авесто, Вандидод, ўлим жазоси, озодликдан маҳрум қилиш, жазо мақсадлари, жисмоний жазолар, бадарға, қамчи билан савалаш, мусодара, жарима, товон.

**СУЖДЕНИЯ О СИСТЕМЕ УГОЛОВНЫХ НАКАЗАНИЙ,
ДЕЙСТВОВАВШИХ В НАШЕЙ СТРАНЕ В ПЕРИОД ЗОРОАСТРИЗМА**

Бекназов Шахриёр Бобур ўгли
Прокурор отдела прокуратуры
Ташкентской области
beknaz0v010@mail.ru,
+99899-558-55-55

Аннотация: В статье автором с научно-теоретических позиций исследована система уголовных наказаний, применявшихся в период зороастризма на территории Узбекистана. В частности, изучены виды и состав применявшихся в этот период наказаний, рассмотрены особенности их применения, целей, проанализированы результаты научных исследований, взгляды и подходы ученых и исследователей относительно классификации наказаний за преступления в Авесте. По результатам исследования представлены соответствующие научно-теоретические выводы.

Ключевые слова: Авеста, Вендидад, смертная казнь, лишение свободы, цели наказания, телесное наказание, изгнание, нанесение ударов плетью, конфискация, штраф, компенсация.

JUDGMENTS ABOUT THE SYSTEM OF CRIMINAL PUNISHMENTS ACTING IN OUR COUNTRY DURING THE PERIOD OF ZOROASTRIANISM

Beknazov Shahriyor Bobur ugli
Prosecutor of the sector of Prosecutor's
Office of the Tashkent Region
beknaz0v010@mail.ru,
+99899-558-55-55

Abstract: In the article, the author, from a scientific and theoretical position, examined the system of criminal penalties applied during the period of Zoroastrianism on the territory of Uzbekistan. In particular, the types and composition of punishments used during this period were studied, the features of their application and purposes were examined, the results of scientific research, the views and approaches of scientists and researchers regarding the classification of punishments for crimes in the Avesta were analyzed. Based on the results of the study, relevant scientific and theoretical conclusions are presented.

Key words: Avesta, Vendidad, death penalty, imprisonment, purposes of punishment, corporal punishment, exile, lashing, confiscation, fine, compensation.

Жиноятчилик салбий ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида инсоният тарихий ривожланишининг барча босқичларида мавжуд бўлган. В.А.Бачинин фикрича: «Цивилизация мавжуд бўлганидан бери, инсоният ҳаётининг ҳақиқий фожиаси ҳар куни жиноятлар орасида яшаш, уларнинг жирканч моҳиятини кўриш, уларнинг барча даҳшатларини англаш ва шу билан бирга, уларни таг-туғи билан мутлақо йўқотиш учун маънавий кучга эга бўлмасликдан иборат»¹.

Илмий (назарий, жиноят-ҳуқуқий, криминологик, криминалистик ва бошқа) ютуқлар, шунингдек, турли хил давлатларда давлат ҳуқуқий сиёсат доирасида ушбу иллатга қарши курашиш бўйича кўрилаётган чораларга қарамай, жиноятчиликни бутунлай йўқ қилиш муаммоси ҳанузгача ҳал қилинмаган. Шу билан бирга, инсон табиати аввалбошданок шундай тузилганки, у ҳеч қачон бу

¹ Бачинин В.А. Достоевский: метафизика преступления. Художественная феноменология русского протомодерна. - СПб.: Изд-во СПбГУ, 2001. - С. 7-8.

ҳолатга тоқат қилмайди, доимо жиноятчиликка қарши курашиш ва жиноий соҳани такомиллаштиришнинг самарали воситаларини излаш жараёнида бўлади. Афлотун ёзганидек, "ҳеч ким ҳеч қачон бирон бир қилмиши учун жазосиз қолмаслиги керак"². Шунинг учун жиноятчилик ва жазо муаммоси ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Жиноятчилик ва жазо муаммоси узоқ тарихга эга бўлганлиги сабабли, унинг тарихий-ҳуқуқий тадқиқоти илмий, амалий ва ижтимоий аҳамиятга эга. Жиноятчилик ва жазо муаммосини тарихий-ҳуқуқий ўрганиш бу ижтимоий ҳодисалар эволюциясининг тарихий жараёнини кузатиб бориш, ўтмишда ва келажакда улар ривожланишининг умумий қонуниятларини аниқлаш, тўпланган тажрибани баҳолаш, жиноятга қарши курашиш ва самарали жазоларни қўллаш имконини беради. Бу жиноятчилик ва жазо институтини ривожлантиришнинг давомийлигини очиб беришга, ҳозирги кунда амалга оширилаётган давлат-ҳуқуқий таъсир чораларини такомиллаштириш ва жазо сиёсатини самарали амалга ошириш имконини беради.

Жиноятчилик ва жазо муаммосини ҳал қилиш экстремизм, терроризм, ислом радикализи, трансмиллий жиноятчилик, кибержиноятчилик ва бошқа миллий ва халқаро хавфсизлик, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига таҳдид солувчи жиноятлар, шунингдек жиноий жазо мақсадлари ва турларини ривожлантириш, уларни инсонпарварлаштириш тенденцияси, қатор жиноий ҳаракатларни декриминаллаштириш нуқтаи назаридан ғоят долзарбдир.

Жазо турли хил тарихий даврларда ўзгарган ва ҳар доим жиноятчиликка қарши курашда асосий восита бўлиб келган мураккаб ҳуқуқий институтдир.

Тарихан Ўзбекистонда жазо тизими кўплаб даврларни бошидан кечирган.

Илк жазо тизими тараққий этган давр – бу Зардуштийлик ҳуқуқий тизими даври.

Тахминан милоддан аввалги 2-минг йилликнинг охиридан бошлаб милодий VII асргача қадимги Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган зардуштийлик ҳуқуқий тизими, ўзбек ҳуқуқи шаклланишининг дастлабки босқичи бўлган.

Зардуштийлик Исломга қадар бўлган ўз ривожланиш даврида ўзига ҳос диний-фалсафий тизим сифатида шаклланди ҳамда Марказий Осиё халқларининг аксарияти учун ҳуқуқнинг универсал манбаи сифатида хизмат қилиб келди³.

² Платон. Законы // Сочинения: в 3-х т. – Т. 3., ч. 2. – М.: Мысль, 1972. – С. 340.

³ Ф.Хатамов. Инсон ҳуқуқлари – Янги Ўзбекистоннинг сиёсий ислоҳотлари асоси. Монография. – Самарқанд: "Самарқанд давлат чет тиллар институти" нашриёти, 2022. – Б.15.

Зардуштийлик даврида жазо тизими доимо ривожланиб борган⁴. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлган Авесто қадимда мамлакатимиз худудида яшаган қабилаларнинг диний ва дунёвий мафкуриси, давлатчилигимизнинг маънавий – ахлоқий нормалари, қонун – қоидалари ва ҳуқуқи ҳақида асосий манба сифатида қимматли маълумот қолдирган. Хусусан, қандай ҳаракатлар қонунга хилоф деб топилиши ва улар учун жазолар Вандидодда белгиланган. Вандидод – Авестонинг беш ҳуқуқий наски – китобидан бизнинг кунларимизгача етиб келган ягона китобдир⁵.

Авестода жинойт ва жазо масалалари ҳар томонлама тартибга солинганлигини кузатиш мумкин. Мисол учун, жинойтлар қуйидаги турларга бўлинган: динга қарши жинойт, шахсга қарши жинойт, ҳайвонларга қарши жинойт, мулкка қарши жинойт, табиатга қарши жинойтлар қабилар⁶. Айтиш лозимки, динга қарши жинойтлар, қасддан қилинган жинойтлар ва тақрорий жинойтлар учун, айниқса, қаттиқ жазолар белгиланган.

Аҳамонийлар даврида энг кўп жазо турлари жисмоний жазолардан иборат эди. Қаттиқ жазолардан фойдаланилган - танани тамғалаш, танани шикастлаш, айбдорни танасининг ёки бошқа аъзоларининг у ёки бу қисмидан маҳрум қилиш, кўриш қобилиятини йўқотиш ва бошқалар. Улар инсон ҳаёти, шаъни ва кадр-қимматиға қарши, шоҳ ва унинг атрофидагиларға қарши ва бошқаларға қарши жуда оғир жинойтлар содир этишда қўлланилган.

Айни чоғда, ўша даврдаёқ қўлланилган баъзи жазолар жинойтчини тузатиш хусусиятиға эга эди⁷. Масалан, бу турларға асосан шармандали жазоларни киритиш мумкин, хусусан, подшоҳға яқин одамлар рўйхатидан маълум инсон исмини олиб ташлаш, яшаш жойидан ҳайдаш, жарима, баъзи жисмоний жазолар ва бошқалар.

Тадқиқотчилар ушбу даврда қўлланилган жазо турларини турлича таснифлайди. Масалан, А.Г. Периханян ушбу даврдаги жазо тизимини қуйидаги асосий турларға ажратади: а) жисмоний жазолар; б) мол-мулкни тўлаш орқали

⁴ Р.Икрамов, Н.Бекмирзаев. «Авесто»да қонун ва инсон ҳуқуқлари талқини // ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 2 | 2021

⁵ Ҳамроқулов Б.М. Қадимги Тўронда маънавий зиён ва уни қоплашға доир дастлабки тасаввурларнинг вужудға келиши // Ж. Фалсафа ва ҳуқуқ 2017/2 – Б.11

⁶ Эшов Б.Ж., Одилов А.А. Ўзбекистон тарихи: Т. 1. Энг қадимги даврдан XIX аср ўрталаригача: олий ўқув юрти талабалари учун дарслик / Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги М.Улугбек

номидаги Ўзбекистон Миллий университети. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2014,- Б.90.

⁷ Қаранг.: Халиков А.Г. Правовая система зороастризма: Дис. ... д-ра юрид. наук: 12.00.01: Душанбе, 2004 421 с. РГБ ОД, 71:04-12/132.

айбини қоплаш; в) ишлаб тўлаш (дала ишларини жазо сифатида тайинлаш); фуқароликдан четлатиш⁸.

А.Г. Холиқов жазоларни қуйидаги гуруҳларга ажратади: а) жисмоний жазо (қамчи, таёқ); б) жарима; в) ахлоқ тузатиш ишлари (жиноятчини ёвуз кучлар, жонзотлар билан курашда ва хайрли ишларга хизмат қилишда иштирок этиши); г) озодликни чеклаш (қамок, қуллик ва бошқалар); д) муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш (масалан, тиббий фаолият); е) ўлим жазоси - "маргарзан", "пешутану", "танафухр".⁹ И.Б. Бўриев қуйидаги жазо турларини келтиради: жарима, жисмоний жазо, синовдан ўтиш, кечирим сўраш, ўлим жазоси¹⁰.

Жазолар енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, ижтимоий мавқеига (эркин ёки қул), жинсга ва бошқаларга қараб қўлланилган.

Бундан ташқари, жазо белгиларига эга бўлган кўплаб синов турлари қўлланилган. Масалан, айбини исботлаш учун, айбдор шахс махсус ичимликлар ичишга мажбур бўлиб, бу одатда одам ўлими билан тугаган¹¹.

Жазолар жисмоний, мулкӣ ва диний-маросим характериға эға бўлган.

Ўлим жазоси энг қадимий жазо сифатида зардуштийлик даврида кўплаб жиноятларни содир этганлик учун тайинланган. У ҳаёт ва соғлиққа, табиат ва ҳайвонот дунёсига, мулкка, оилаға, ҳокимиятға қарши жиноятлар, шунингдек диний ва ахлоқӣ характериға жиноятларға қарши тайинланган. Кўп ҳолларда, ҳукуматға қарши жиноят содир этганликлари, қиролнинг шахсига ва унинг қариндошларига нисбатан ҳурматсизлик кўрсатганликлари, қиролға қарши чиқишгани ёки уни ўлдирмоқчи бўлганликлари ва бошқалар учун ўлим билан жазоланганлар. Авесто ва ушбу даврнинг бошқа қонун манбаларида рецидивлар, яъни бир хил қилмишни олтинчи, еттинчи ва саккизинчи марта содир этганидан кейин ўлим жазоси назарда тутилган¹².

Айни чоғда, жасадни ерга кўмиш, ўликларнинг танасининг бир қисмини ейиш кабилар ҳеч қачон кечирилмайдиган гуноҳлар қаторига киради.

⁸ Қаранг.: Ахмадпур, Айуб. Незам-и қадаий-и Иран дар аҳд-и бостон. [Судебная система Древнего Ирана] // Изд. Ун-та им. Шахида Бахонара. - Керман, 1388х./2010. - № 15. - С. 27.

⁹ Қаранг.: Халиков А.Г. Ўша асарда. - С. 361-362.

¹⁰ Бўриев, И.Б. Конституционно-правовые способы обеспечения свободы вероисповедания / И.Б. Бўриев //Таджикистан на пути к правовому государству. - Душанбе, 1998. - С. 66 – 73.

¹¹ Қаранг.: Халиков А.Г. Ўша асарда. - С. 366.

¹² Қаранг.: Шокиров Т.С. Шокиров Т.С. Истилохоти нуқуқшиносии тоисломи дар забони тольикӣ. = [Доисламские юридические термины в таджикском языке]. – Хуљанд : Хуросон, 2008. - С. 48.

А.Г. Холиқов маргарзан - ўлим жазоси белгиланган қуйидаги қилмишларни санаб ўтади: тақиқланган нарсаларни сотиш ва сотиб олиш билан шуғулланиш, яхши (зардуштий) инсонни ўлдириш, сеҳргарликни ўргатиш, бошқаларга заҳар бериш, ўликларнинг бўлақларини ейиш, ўлиқ бўлақларини сувга ёки оловга отиш, кўприкларни ўрнатиш ёки йўқ қилишга халақит бериш, аёлларни ўғирлаш.

Зардуштийликнинг ҳуқуқий тизимидаги энг кенг қўлланадиган жазо тури бу – “Пишавтану”. Бу атама “Авестода” ўз гуноҳи учун танасини бағишлаган одам маъносини англатади. Унинг бошқа бир маъноси “арзон ўлим”, яъни гуноҳлари эвазига ўлим жазосини топган шахс тушунилади¹³.

Ўлим жазоси бачабозлик, Баҳрам ёнғинини ўчириш, сув қуйруғини ўлдириш, сақлаш шартномаси шартларини бузиш, зардуштийликдан четлашиш, ўғирлик ва ҳ.к.лар учун қўлланилган. Шунингдек, тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бу шахслар, зардуштийлик таълимотига кўра, "буридапул" деб номланган, яъни жаннатга олиб борадиган Чинват кўпригидан узилиб қолган одамлардир¹⁴.

Вандидод инсон пешутануга айланадиган бешта амални санаб ўтади¹⁵. Бу ерда, пешутану маргарзан учун синоним вазифасини бажаради. Яъни, пешутануга айлангани учун айбдор бўлган ҳар бир киши жарима тўлаш билан кечирилмайди, ўлим жазосидан қутулиб қолиши мумкин эмас¹⁶.

Айтиб ўтилганидек, ўлим жазоси турли ҳаракатлар учун қўлланилган. Масалан, бировнинг қулини ўзлаштирган ёки қочоқ қулни эгасига қайтаришдан бош тортган киши ўлим жазосига тортилган. Зино ўлим билан қаттиқ жазоланади, бу асосан хотин томонидан содир этилган ҳолатларга тегишли эди. Қонун эркак кишига хиёнат қилгани учун хотинини ўлдириш ҳуқуқини берган. Зардуштийлик давридаги давлатларда жиноят ҳуқуқининг алоҳида муҳофаза қилинадиган объекти ҳисобланган табиатни бошқариш нормаларини бузганлиги учун ҳам ўлим жазоси тайинланган¹⁷.

Зардуштийлик давридаги барча давлатларда жазоларни тайинлаш принциплари ва қоидалари жазоларни оғирлиги ва шафқатсизлиги билан ажралиб туради. Улардан фойдаланишнинг сабаби уларни давлат ҳокимияти

¹³ Қаранг.: Ҳамроқулов Б.М. Қадимги Тўронда маънавий зиён ва уни қоплашга доир дастлабки тасаввурларнинг вужудга келиши // Ж. Фалсафа ва ҳуқуқ 2017/2 – Б.11.

¹⁴ Қаранг.: Халиков А.Г. Ўша асарда. - С. 374-378.

¹⁵ Авеста. Кн. 1. –Душанбе, 2014. - С. 575.

¹⁶ Қаранг.: Шокиров Т.С. Ўша асарда. - С. 50.

¹⁷ Қаранг.: Талезари Али Аббас. Становление и развитие институтов преступления и наказания в истории права Ирана: дис. канд. юрид. наук. - Душанбе, 2014. - С. 36-38.

душманларини кўрқитиш, марказлашганликка қарши кучларни камайтириш ва жамиятда тартиб ўрнатиш воситаси сифатида бўлган. Жазонинг шафқатсизлигига исбот сифатида одамнинг терисини шилиш ва ўлим жазосининг бошқа шакллари, кўришдан маҳрум қилиш, танага шикаст етказиш ва тананинг айниқса сезгир қисмларини тамғалаш каби жазолар мавжуд бўлганини кўрсатиш мумкин.

Жазонинг содир этилган жиноятга мутаносиблигига эътибор қаратилмаган. Масалан, қирол Дарийдан қолган Беҳистун ёзувида, ҳатто оғир оқибатларга олиб келмаган ҳаракатлар учун ҳам ўлим жазоси берилган¹⁸ (ёлғон гувоҳлик, ўғирлик ва бошқалар). Хукмдор ва унинг атрофидагиларга қарши жиноятлар содир этган шахслар алоҳида шафқатсизлик билан жазоланган.

Жазоларни ижро этишни осонлаштиришга ёрдам берадиган воситалар ва механизмлар ихтиро қилиниши билан жазоларнинг шафқатсизлиги аста-секин камайди.

Зардуштийлик давридаги давлатларда жазони ижро этиш воситалари ҳар доим ҳам бир хил бўлмаган. Масалан, ўлим жазоси ҳар доим ҳам ва ҳамма жойда бир хил тарзда ижро этилмаган. Бир жойда у бошни ёриш шаклида бўлса, бошқасида терини шилиш, захарлаш, сувга чўктириш ёки осиб қўйиш ва ҳ.к. Шунингдек, у ёки бу қилмишнинг жиноят деб тан олинishi бир хил бўлмаган. Бир минтақада маълум бир қилмиш жиноят сифатида жазоланган, аммо бошқа минтақадаги шунга ўхшаш хатти-ҳаракатлар жазога сазовор эмас деб тан олинishi мумкин эди¹⁹. Бунга қадимги Марказий Осиё ва Эрон давлатларининг турли дин ва эътиқодлари, урф-одатлари ва анъаналарига эга бўлган ҳудудлари кенглиги сабаб бўлган. Буни Аҳамонийлар империясининг 20 дан ортиқ сатрапияларга (ҳарбий-маъмурий округлар) бўлиниши, улар бошқарувда, шу жумладан суд ишларини амалга оширишда кенг ваколатлар ва автономияларга эга бўлганлиги ҳам тасдиқлайди. Ушбу маъмурий-худудий тузилмаларнинг ҳар бири ўзига хос урф-одатлар, анъана ва маросимларга эга эди. Буларнинг барчаси ушбу даврнинг худудий хусусиятларида жиноят ва жазо институтларининг ривожланишининг хилма-хиллигига ёрдам берди.

Авесто даврида кенг қўлланилган жазоларнинг яна бир гуруҳи жисмоний жазолар ҳисобланган. Авесто ва бошқа диний ва ҳуқуқий манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу даврда қўлланилган жазоларнинг аксарияти жисмоний характерга эга эди. Ушбу турдаги жазоларни жарима ёки товон тўлаш билан

¹⁸ Қаранг.: Худоиён Ардашер. Таърихи ҳуқуқи Ирон. (Кисми 3: Хахоманишиё). = [История права Ирана. (Ч. 3: Ахемениды)]. - Тегеран : Бехдид, 1376 х./1998. - С. 66.

¹⁹ Қаранг.: Амин Саидхасан. Таърихи ҳуқуқи Ирон. = [История права Ирана]. - Тегеран, 1386 х./2008. - С. 84.

алмаштириш мумкин эди. Одамлар соғлиғига зарар етказиш учун энг кам жазо таёқ ва қамчи билан бешта зарбадан ёки қамчи билан учта зарбадан иборат эди²⁰.

Бунда Авестода “аспиҳиҳ–ашатра” ва “саравушу-чарана” иборалари муайян гуноҳкор содир бўлганда қўлланиладиган жазо қуроли, гуноҳкорларни жазоловчи асбоб (таёқ, қамчи, дарра) ҳисобланади²¹. Бировни қасддан уриб, унинг қонини тўккан кимсани эллик қамчидан тўқсон қамчигача савалашган. Шунингдек, агар кимки бировни уриб суягини синдирса, жинойтчига нисбатан отнинг терисидан ясалган қамчин билан, етмишдан тўқсон қамчигача уриш жазоси белгиланган²².

Баъзи жинойтларни содир этганлик учун таёқ ва қамчи билан зарба бериш шаклида энг юқори жазо бир неча мингдан ошган. Масалан, Вандидодда сувсарни ўлдириш учун 10 минг зарба қамчи ва 10 минг зарба таёқ билан, жами - 20 000 зарба билан жазоланиш белгиланган.

Жисмоний жазонинг барча турлари жисмоний азоб-уқубатларни келтириб чиқаришга қаратилган эди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, "Авесто" да кўзда тутилган жазоларнинг 90% дан ортиғи қамчи ва таёқлар билан уришдан иборат бўлган²³.

Жинойтларнинг бир нечта кўлами ёки тоифалари белгиланганлиги сабабли, табиий равишда, жисмоний, мулкӣ ёки бошқа бўлишидан қатъи назар, жазолар турлича бўлган. Шунингдек, ушбу белгиларга қараб жазо миқдори янада оғирлашган.

Масалан, инсон соғлиғига қарши жинойт содир этганда, жазо 5 та зарбадан бошлаб таёқ ва қамчи билан уришдан бошланади, аммо такрорий жинойтда 200 марта таёқ ва қамчи билан уришгача кўтарилади.

Жисмоний характердаги бошқа жазо турлари ҳам қўлланилган. Масалан, Элам қонунларига кўра, агар бирор киши отасига қўлини кўтариб, уни урган бўлса, унинг қўли кесилган. Сохта гувоҳлик учун шахснинг тили кесилган. Тухматда айбдор бўлган ёки бошқасини жинойт содир этганликда айблаган,

²⁰ Қаранг.: Халиков А.Г. Правовая система зороастризма. - С. 329.

²¹ Қаранг.: Ҳамроқулов Б.М. Қадимги Туронда маънавий зиён ва уни қоплашга доир дастлабки тасаввурларнинг вужудга келиши // Ж. Фалсафа ва ҳуқуқ 2017/2 – Б.11.

²² Эшов Б.Ж., Одилов А.А. Ўзбекистон тарихи: Т. 1. Энг қадимги даврдан XIX аср ўрталаригача: олий ўқув юрти талабалари учун дарслик / Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги М.Улугбек

номидаги Ўзбекистон Миллий университети. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2014,- Б.90.

²³ Қаранг.: Халиков А.Г. Ўша асарда. - С. 364.

аммо айбини исботлай олмаган шахснинг ўзи қаттиқ жазога тортилган²⁴. Одатда, бундай ҳолларда, у шахсни айблаган, аммо айбини исботлай олмаган қилмиши учун назарда тутилган жазо билан жазоланган.

Жарима ва товон пули тўлаш кўпинча қўлланиладиган бошқа жазо тури сифатида қаралиб, деярли барча турдаги ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан жиноятлар учун тайинланган. Авесто нормалардан бирида ҳатто, жисмоний ёки бошқа жазо турлари билан бир қаторда, асосий ёки қўшимча жазо сифатида айбдорни жарима ва товон тўлаш белгиланган, масалан, унда инсон саломатлигига қарши жиноятлар учун.

Айб учун товон ҳам тўланган. Баъзи ҳолларда чорва пул бирлиги сифатида ишлатилган. Сосонийлар даврида жисмоний жазони назарда тутган кўплаб меъёрлардан қатъий назар, жарима ёки зарарни қоплаш хусусиятига эга бўлган кўплаб жазолар қўлланилган. Мулкка зарар етказилган ва мулк ҳуқуқи бузилган (ўғирлик, мулкни талон-тарож қилиш, суиистеъмол ва бошқалар) суд ҳар доим айбдорга зарарни қоплаш мажбуриятини юклаган.

Кейинги даврларда пул муносабатларининг ривожланиши билан жарима айниқса кенг қўлланилган. У деярли барча турдаги жиноятлар учун қўлланган. Жарима миқдори содир этилган жиноятнинг оғирлиги ва қўриқланадиган объектнинг аҳамиятига боғлиқ эди. Масалан, вояга етмаганни зўрлаш учун 600 та драхма, бошқа бировнинг рафиқаси билан зино қилиш учун 300 сатер ва ҳқ.

Шу билан бирга, баъзи нарсалар жарима предмети бўлиши мумкин эмас эди. Шартнома асосида маҳкум жиноят содир этилгунга қадар бошқа шахсга ўтказиб юборилган нарсани олиб қўйиш мумкин эмас эди. Уни ушбу мулкнинг янги эгасидан тортиб олиш мумкин эмас, ҳатто жиноят содир этилишидан олдин васиятномалар рўйхатига киритилган нарсалар ҳам жарима сифатида олиниши мумкин бўлмаган.

Инсон саломатлигига қарши жиноят содир этганлик учун жарима ўзига хос хусусиятларга эга эди. Дўппослаш учун жарима миқдори берилган зарбалар сонига ва уларнинг оқибатларига боғлиқ эди.

Ушбу турдаги жазонинг муаммоси жарима кимга тўланишида бўлган. Баъзи олимларнинг таъкидлашича, жазо жабрланувчига тўланган, мусодара қилинган мол-мулк давлат хазинасига ўтказилган. Ёки жарима миқдори икки маротаба ундирилиб, ярми жабрланувчига, ярми эса давлат хазинасига ўтказилган²⁵.

Адабиётда, содир этилган жиноятлар турига қараб, олинган жарималар ибодатхоналар, давлат ёки жабрланганлар фойдасига ундирилганлиги қайд

²⁴ Қаранг.: Халиков А.Г. Ўша асарда. - С. 364.

²⁵ Қаранг.: Халиков А.Г. Ўша асарда. - С. 364.

этилган. Масалан, классик зардуштийлик даврида баъзи жиноятлар учун жарималар ибодатхоналар ва маъбадлар фойдасига ундирилган. Кейинчалик, давлат кучайганида, жариманинг салмоқли қисми давлат хазинасига туша бошлади²⁶.

Бинобарин, жамият ва давлат ривожланиши билан жазолаш тизими ва уни қўллаш шакллари ва усуллари ҳам ривожланган. Шафқатсиз ва ғайриинсоний қўлланиш шакллари эга бўлган архаик жазо турлари сезиларли даражада камайтирилган. Бунинг ўрнига моддий, жисмоний ва психологик характердаги жазолар қўлланила бошланади. Буларга жарима, товон тўлаш, мажбурий ахлоқ тузатиш ишлари ва бошқалар киради.

Жумладан, Ўзбекистон ҳудудидаги қадимги давлатларда, айниқса Авестога кўра, ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги жазо кенг қўлланилган. Масалан, баъзи бир гуноҳкор ишларда айбдор бўлган шахс давлат ерларида ёки диний ташкилот ерларида ахлоқ тузатиш ишлари шаклида жазоланиши мумкин эди. Шунингдек, улар бундай одамларнинг меҳнатидан жамоат ерларида фойдаланишган, ерни ҳаром нарсаларни, ўлик одамлар ва ҳайвонларнинг жасадларини тозалаш, муқаддас олов учун ўтин йиғиш, каналларни қазिश, ерларни суғориш ва ҳ.к. ишларда фойдаланилган. Бундай жазолар асосан диний ва экологик меъёрларга риоя қилмаслик учун қўлланилган.

Енгил ҳуқуқбузарлик учун жазо қамчи билан уриш бўлган, бу битта қўй нархидаги жаримага тенгдир. Худди шу ўлчов, меҳнатга ҳақ тўлашда, қишлоқ хўжалиги ишларининг бир кунига тенг бўлган.

Юқорида айтилганидек, атроф-муҳитга қарши жиноятларнинг айрим турларини содир этганлик учун ҳам ахлоқ тузатиш ишлари тайинлаган. Масалан, сувсар маҳсус ҳимоя остидаги ҳайвон деб ҳисобланган, Ахура Мазда томонидан яратилган барча ҳайвонлар орасида у сувнинг тозалигини яхшилашга, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, ер унумдорлигини оширишга, одамларни касалликлардан ҳимоя қилишга ва бошқаларга ҳисса қўшади, деб ҳисобланган. Авестода таъкидланишича, минг жуфт итдан иккита сувсар пайдо бўлади - битта урғочи ва битта эркак, шунинг учун итлар қонидан келиб чиққан ҳолда улар Ахура Мазданинг яхши жонзоти ҳисобланиб, диний ва ҳуқуқий меъёрлар билан жиддий ҳимоя қилинган²⁷.

Таъкидланганидек, ахлоқ тузатиш ишлари, биринчи навбатда, оташ ибодатхонаси фойдасига амалга оширилган. Масалан, маҳкумга 10 минг уюм куруқ ва тоза ўтин ва 10 минг уюм хушбўй ўтинни ибодатхонага олиб келиш

²⁶ Қаранг.: Халиков А.Г. Ўша жойда. - С. 364.

²⁷ Қаранг.: Авеста. Кн. 1. Душанбе, 2014. – С. 569.

мажбурияти юкланган. Шунингдек, оташ ибодатхонаси фойдасига у зарур бўлган уй-рўзғор буюмлари: супурги, болта, идиш-товоқларни ва бошқаларни бериши керак бўлган, аскарларга кийим-кечак ва ҳарбий куролларни, зарур бўлган асбоб-ускуналарни беришга мажбур эди. Ахлоқ тузатиш ишлари жазосига лойиқ жиноятни содир этганликлари учун улар қишлоқ хўжалиги фойдасига итнинг баландлиги ва кенглигига тенг канал қазишга, шунингдек, одамларнинг ўтишлари учун сой ва каналларда 14 кўприк қуришга мажбур бўлган. Ундан уйлар ва ҳайвонларга мўлжалланган бошпаналарни қуриш ҳам талаб қилинган. У 14 та кучукчани боқиш, тери касалликларини даволаш ва 18 та итнинг жасадини ҳашаротлардан тозалаш ва ҳ.к. Ушбу жиноятда айбланаётган шахс 10 минг зарарли ҳайвонлар ва ҳашаротларни ўлдиришга мажбур бўлган, улар орасида бўри, шokol, сичқон, каламуш, илон, тошбақа, чаён, ўргимчак, чивин ва бошқалар бўлган²⁸.

Хуллас, Авесто ва бошқа қонун манбаларида ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги жазо кўзда тутилган ва унинг турли шакллари жиноят содир этган шахсларга нисбатан кенг қўлланилган.

Озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо ҳам кенг қўлланилган. Тарихан Ўзбекистон ҳудудида зардуштийлик қонунининг бутун даврида озодликни чеклаш жиноят-ҳуқуқий характерга эга бўлган чора сифатида қўлланилган ва у мерос тариқасида кейинги ҳуқуқий тизимларга ўтиб кетган.

Ушбу турдаги жазонинг ўзига хос хусусияти шундаки, жинойий қилмиш содир этганликда айбдор бўлган ёки ўша даврнинг мулоҳазалари ва дунёқарашига биноан ижтимоий хавфли деб топилган шахсга нисбатан ижтимоий ва давлат мажбурлаш чоралари қўлланилиб, улар кўпинча чеклаш хусусиятига эга эди. Масалан, Авесто ва зардуштийлик даври давлатлари қонунларининг бошқа манбаларида ҳайз пайтидаги аёлга муқаддас оловга яқинлашиш, сувга ва суғориладиган ерларга, бошқа тоза жойларга бориш тақиқланган. Бундай ҳолатда бўлган аёл "армешт", уни сақланадиган жой "армештгоҳ" ёки "армештгос" деб номланган. У тўлиқ тикланишигача у жойда бўлиши керак эди²⁹. Шунингдек, ўликларнинг жасадини бир кишига мустақил равишда ва бошқаларнинг ёрдамисиз дахмага олиб бориш тақиқланган эди, чунки у жасадни кўчириш пайтида юқиши, ҳаром бўлиб қолиши ва жамиятнинг бошқа аъзоларига юқиши мумкин. Агар бирор киши, барча тақиқларга қарамай,

²⁸ Қаранг.: Ўша жойда - С. 751-754.

²⁹ Шокиров Т.С. Кўрсат. асарда. - С. 42-43.

бундай қилмишни содир этган бўлса, демак, унинг ҳаракати ва баъзи жойларда бўлиши чекланган³⁰.

Баъзи урф-одатларни содир этиш ёки диний маросимларни бажаришдан бош тортиш учун баъзан инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари чекланган. Масалан, агар киши йиллик диний қурбонликда ўз улушини қўшишдан бош тортса, демак, бу уни диний маросимларда қатнашишдан маҳрум қилиш учун асос бўлган. Худди шу хатти-ҳаракатни такроран содир этганида унинг процессуал ҳуқуқий лаёқати чекланган, кейин янги такрорланган тақдирда чорва моллари мусодара қилинган, кейинчалик мулкӣ ҳуқуқлари чекланган - у оиланинг мулкида ўз улушига эга бўлиш ҳуқуқини йўқотган. Бундай хатти-ҳаракатлар учун жазонинг сўнгги босқичи ўлим жазосини қўллаш ёки жамоадан чиқариб юборишдан иборат эди³¹.

Аҳамонийлар ва Сосонийлар даврларида энг кенг тарқалган жазо турларидан бири қамоқ бўлиб, у жинойт содир этган шахсни маълум бир жойда бутун жамиятдан ажратилган ҳолда сақлаш шаклида амалга оширилган, бу жой зиндон деб номланган³².

Бундай жойлардаги шароитлар жуда қаттиқ ва ғайриинсоний эди. Аксарият ҳолларда жинойтчиларни зиндонда сақлаш маҳкумнинг ўлими билан якунланди. Кўпгина ҳолларда, ҳуқуқбузарни бундай ушлаб туриш мақсади ҳам шу эди, яъни жинойтчи умрининг охиригача қамоқда сақланган.

Озодликдан маҳрум қилиш ҳар қандай жинойт турига нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган. Давлатчиликнинг ривожланиши билан кўпинча қамоқ жазоси тайинлана бошланган. Ҳаёт ва соғлиққа қарши жинойтлар, диний жинойтлар, мулкка қарши жинойтлар ва бошқалар учун бундай жазолар назарда тутилган. Жазо муддатлари маълум муддатдан умрбод озодликдан маҳрум қилишгача тайинланган. У бошқа жазо турлари билан биргаликда қўлланилган. Баъзи ҳолларда, бошқа жазо турлари сингари, у ҳам такроран жинойт содир этилиши муносабати билан қўлланилган.

Мисол учун, агар бирор киши ўғирлик қилган бўлса, у тамғаланган. Агар у яна ўғирликни содир этган бўлса, унда унга янги тамға босилган. "Агар у тўрт марта тамғаланган бўлса ва кейин яна шу каби жинойт содир этган бўлса, унинг қамоқдан озод этилиши мумкин бўлмаган"³³.

³⁰ Авеста. Кн. 1. Душанбе, 2014. – С. 747.

³¹ Ўша жойда - С. 748.

³² Шокиров Т.С. Кўрсат. асарда. - С. 48.

³³ Периханян, А.Г. Общество и право Ирана в Парфянский и Сасанидский периоды / А.Г. Периханян. - М.: Наука, 1983. - С. 257.

Жамоадан ҳайдаб чиқариш ва сургун қилиш қадимги давлатлар, айниқса зардуштийлик даври жинойт ҳуқуқида асосий жазо турларидан бири сифатида қаралган. Улар динга қарши жинойт содир этган, қабила ва жамоат қоидаларини бузган ва бошқа турдаги хатти-ҳаракатларни содир этган шахсларга нисбатан қўлланилган. У мол-мулкни мусодара қилиш, жарималар ва жисмоний жазо каби жазолар билан биргаликда қўлланилган³⁴.

Бундай жазолар йиллик қурбонликда қатнашишдан бош тортганлик учун қўлланилган. Агар бирор киши йиллик қурбонликдан олтинчи марта ўз ҳиссасини қўшишдан бош тортса, у ҳолда унинг айби "ўта юқори айб"га тенглаштирилиб, ҳуқуқбузар жамоадан четлаштирилиб, бу фуқаролик лаёқатининг тўлиқ йўқолишига олиб келган. Сосонийлар даврида, агар у ўта оғир жинойт содир этган бўлса, у жамоадан чиқариб юборилган, бу ҳам ушбу шахс томонидан ҳар қандай фуқаролик ҳуқуқий лаёқатини йўқотишига асос бўлган.

Бундай жазо оила ва жамиятга қарши жинойт содир этган шахсларга нисбатан ҳам қўлланилган. Масалан, оиласини қаровсиз қолдириш, эрини алдаш ёки турмушга чиқмаган қиз томонидан зино қилиш, одам ўлдириш. Кўпинча бу қилмишлар ҳаёсизлик характерга эга бўлган. Кўпгина ҳолларда, зино оила ва жамиятда ўз ўрнини, ҳурматини йўқотишига олиб келган.

Мисол учун, эр-хотиннинг бир-бирига хиёнати қаттиқ қораланган, бегона эркак билан жуфтлашган аёл бадном этилган, жазоланган ва никоҳдаги эр учун "ҳаром" ҳисобланган³⁵.

Шунингдек, Зардуштийликда инсонларнинг ёлғиз яшаши қораланган. Балоғатга етган қиз бола ота-она, жамоа райини писанд қилмай, зурриёт қолдиришни истамай турмуш қурмаса, у қопга солиниб, йигирма беш дарра калтакланган.

Агар эркак киши зурриёт қолдириш қобилятига эга бўлса-ю, аммо уйланмаса, унга тамға босилиб, бадном қилиш мақсадида белига ҳар доим темир камар боғлаб юришга мажбур этилган³⁶.

Баъзи жинойт ҳаракатларни содир этиш учун жазо мол-мулкни мусодара қилиш шаклида бўлган³⁷. Жумладан, хусусий мулкка тожовуз қилганда, нафақат ўғрининг мол-мулки балки бутун қабиланинг ("вис") мол-мулки мусодара

³⁴ Периханян, А.Г. Ўша асарда – С.259.

³⁵ Аширов А. "Авесто" ва зардуштийларнинг оила-турмуш маросимлари ҳақида// Ўзбекистонда ижтимоий фанлар.2002. №1. – Б. 50.

³⁶ Намазова Ю. "Авесто"да бўй кўрсатган умуминсоний қадриятлар // Ж. Фалсафа ва ҳуқуқ 2017/2 – Б.124.

³⁷ Ҳамроқулов Б.М. Қадимги Туронда маънавий зиён ва уни қоплашга доир дастлабки тасаввурларнинг вужудга келиши // Ж. Фалсафа ва ҳуқуқ 2017/2 – Б.13.

қилинган ва лаънатланган. Шунингдек, бу жазо оилани васийсиз қолдириш, мулкка қарши жиноят содир этиш учун тайинланган.

Мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазо сеҳргарлик билан шуғулланган шахсларга ҳам қўлланилди. У ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо сифатида қўлланилган. Масалан, жодугарлик билан шуғулланиш энг оғир гуноҳлардан бири ҳисобланиб, у асосан ўлим жазоси билан жазоланган, аммо мол-мулк мусодара қилиниши қўшимча жазо сифатида ҳам қўлланилган.

Шунингдек, зардуштийлик жиноят қонунчилигининг диний ва ҳуқуқий нормалари ва тарихий Ўзбекистон ҳудудида амалда бўлган бошқа нормаларда, инсон ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, жамоат тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш учун муайян фаолият билан шуғулланиш ёки маълум бир лавозимни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум этиш шаклида жазолаш кўзда тутилган. Масалан, бундай жазо даволаниши натижасида одам ўлими ёки бошқа касалликка сабаб бўлган шифокорга нисбатан қўлланилиши мумкин эди³⁸.

Вандидодга кўра, тиббиёт билан шуғулланишни истаган одам аввал Аҳура Маздага ишончи бўлмаган учта одамда ўз маҳоратини синовдан ўтказиши керак эди ва шундан кейингина, агар даволанишнинг барча усуллари муваффақиятли бўлса, у киши имонли зардуштийни даволашни бошлаши мумкин эди. Башарти ҳали шифокор бўлмаган шахс бундай синовдан ўтмасдан имонли зардуштийни даволаса ёки пичоқ билан операция қилса, у қасддан қотиллиги учун жазоланган.

Хулоса ўрнида

Биринчидан, Зардуштийлик даврида ўзига хос Жиноят кодекси – Авестонинг бешинчи китоби Вандидод амал қилган, унда қандай қилмишлар жиноят эканлиги ва улар учун қандай жазолар берилиши мустаҳкамлаб қўйилган;

Иккинчидан, жазо тизими анча кенг ва ривожланган бўлиб, ўлимжазосидан тортиб, озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек жисмоний жазолар, ижтимоий-сиёсий (бадарға, сургун) ва мулкий тусдаги жазоларни кўзда тутган;

Учинчидан, жазо мақсадлари нафақат ижтимоий адолатни ўрнатиш, балки кўрқитувчи, оғриқли ва азоб-уқубатли жазолар орқали жамият аъзоларини жиноятдан қайтаришни кўзлаган;

Тўртинчидан, Авестода берилган жазоларни илмий ўрганиш ҳозирги кунда ҳам миллий жиноят қонунчилигини айрим жиҳатларини (хусусан, жазони индивидуаллаштириш нуктаи назаридан) такомиллаштиришга хизмат қилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиёт

³⁸ Қаранг.: Авеста. Кн. 1. Душанбе, 2014. – С. 569.

1. Бачинин В.А. Достоевский: метафизика преступления. Художественная феноменология русского протомодерна. - СПб.: Изд-во СПбГУ, 2001. - Б. 7-8.
2. Платон. Законы // Сочинения: в 3-х т. – Т. 3., ч. 2. – М.: Мысль, 1972. – Б. 340.
3. Ф.Хатамов. Инсон ҳуқуқлари – Янги Ўзбекистоннинг сиёсий ислоҳотлари асоси. Монография. – Самарқанд: “Самарқанд давлат чет тиллар институти” нашриёти, 2022. – Б.15.
4. Р.Икрамов, Н.Бекмирзаев. «Авесто»да конун ва инсон ҳуқуқлари талқини // ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 2 | 2021
5. Ҳамроқулов Б.М. Қадимги Туронда маънавий зиён ва уни қоплашга доир дастлабки тасаввурларнинг вужудга келиши // Ж. Фалсафа ва ҳуқуқ 2017/2 – Б.11
6. Эшов Б.Ж., Одилов А.А. Ўзбекистон тарихи: Т. 1. Энг қадимги даврдан XIX аср ўрталаригача: олий ўқув юрти талабалари учун дарслик / Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги М.Улутбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2014,- Б.90.
7. Халиков А.Г. Правовая система зороастризма: Дис. ... д-ра юрид. наук: 12.00.01: Душанбе, 2004 421 с. РГБ ОД, 71:04-12/132. - С. 301-304.
8. Ахмадпур, Айуб. Незам-и кадаий-и Иран дар ахд-и бостон. = [Судебная система Древнего Ирана] // Изд. Ун-та им. Шахида Бахонара. - Керман, 1388х./2010. - № 15. - Б. 27.
9. Буриев, И.Б. Конституционно-правовые способы обеспечения свободы вероисповедания / И.Б. Буриев //Таджикистан на пути к правовому государству. - Душанбе, 1998. - Б. 66 – 73.
10. Шокиров Т.С. Истилохоти нуқуқшиносии тоисломи дар забони толықі. = [Доисламские юридические термины в таджикском языке]. – Хужанд: Хуросон, 2008. - Б. 48.
11. Авеста. Кн. 1. –Душанбе, 2014. - Б. 575.
12. Талезари Али Аббас. Становление и развитие институтов преступления и наказания в истории права Ирана: дис. канд. юрид. наук. - Душанбе, 2014. - Б. 36-38.
13. Худойён Ардашер. Таърихи ҳуқуқи Ирон. (Қисми 3: Хахоманишиё). = [История права Ирана. (Ч. 3: Ахемениды)]. - Тегеран: Бехдид, 1376 х./1998. - Б. 66.
14. Амин Саидхасан. Таърихи ҳуқуқи Ирон. = [История права Ирана]. - Тегеран, 1386 х./2008. - Б. 84.
15. Периханян, А.Г. Общество и право Ирана в Парфянский и Сасанидский периоды / А.Г. Периханян. - М.: Наука, 1983. - Б. 257.

16. Аширов А. “Авесто” ва зардуштийларнинг оила-турмуш маросимлари ҳақида// Ўзбекистонда ижтимоий фанлар.2002. №1. – Б. 50.
17. Намазова Ю. “Авесто”да бўй кўрсатган умуминсоний кадриятлар // Ж. Фалсафа ва ҳуқуқ 2017/2 – Б.124.

